

---

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ МАРҒИЛОНЛИК 93 ЁШЛИК КАВУШДЎЗ УСТА АБДУЛЛАЖОН ОТА ЎРИНБОЕВ ХОНАДОНИДА БЎЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга марғилонлик 93 ёшлик кавушдўз уста Абдуллажон ота Ўринбоев хонадонини йўқлаб борди.

82 йилдан ортиқ кавушдўзлик билан шуғулланиб келаётган Абдуллажон ота ҳунари, ҳалол меҳнати ва ота дуоסי ортидан ҳаёти мазмунли ўтаётганини таъкидлаб, ҳозирги дориломон кунлар учун шукроналик айтиб яшаётганини қайд этди. Юртимизда бугун тадбиркорлик ва ҳунармандликка кенг йўл очилганини мамнуният билан тилга олган отахон, битта тиккан кавушини сотиш учун бозорга киргани қўрққан даврларини эсга олди.

8 нафар фарзандлари, 88 нафар набира ва эваралари даврасида кексалик гаштини сураётган отахон, ўзини тик тутиб турган ҳунарини ҳали қўлдан қўймаган. Абдуллажон ота вилоят раҳбарига ўзи тиккан кавушлардан бирини совға қилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-15 22:18:01